

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.K.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВА НАРГИЗА МАХАММАСИДИҚ ҚИЗИ

**ПОЛИВИНИЛХЛОРИД АСОСИДАГИ ЯНГИ АНИОНИТЛАРНИНГ
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

02.00.04 – Физик кимё
02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Юсупова Наргиза Махаммасидиқ қизи

Поливинилхлорид асосидаги янги анионитларнинг физик-кимёвий
хоссалари.....3

Юсупова Наргиза Махаммасидиқ қизи

Физико-химические свойства новых анионитов на основе
поливинилхлорида.....21

Yusupova Nargiza

Physico-chemical properties of the new anionites based on
polyvinylchloride.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.K.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЮСУПОВА НАРГИЗА МАҲАММАСИДИҚ ҚИЗИ

**ПОЛИВИНИЛХЛОРИД АСОСИДАГИ ЯНГИ АНИОНИТЛАРНИНГ
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

02.00.04 – Физик кимё
02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/K127 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-kimyo.puu/uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www. Ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гафурова Дилфуза Анваровна
кимё фанлари доктори, доцент

Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каттаев Нуритдин Тўраевич
кимё фанлари доктори, доцент

Троров Хамза Турсунович
кимё фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё технология институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.K.01.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «16» декабрь соат «14⁰⁰» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-07-88; факс: (+99824)246-53-21; 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (95 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй.Тел.: (+99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (+99871)246-53-21;246-02-24; e-mail: nauka@puu.uz).

Диссертация автореферати 2020йил «4» 12 куни тарқатилди.
(2020йил «4» 12 даги 11 рақамли реестр баённомаси).


Х.Т. Шарипов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор.


З.А.Сманова
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш илмий котиби,
к.ф.д., профессор

А.Ж.Холиқов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ишлаб чиқариш тараққий этиши, унинг қувватини ортиши, аҳоли сонини кўпайиши ионалмашинувчи материалларга бўлган талабни ортишига сабаб бўлмоқда. Экологик жиҳатдан хавфсиз, арзон, осон синтез қилинадиган, қўлланишда қулай бўлган сорбентларни олиш ҳамда уларни саноатнинг турли технологик жараёнларида, металлургия, кимё саноатида, жумладан оқава ва ер усти сувларини оғир металл ионларидан тозалашда, рангли, нодир ва камёб металлларни мураккаб эритмалар, технологик аралашмалардан ажратишда қўллаш назарий ҳамда амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда саноат ва экологик муаммоларни бартараф этишга ёрдам берувчи юқори сорбцион хусусиятли ва селектив, термик ҳамда кимёвий барқарор ионалмашинувчи материалларни олиш бўйича кенг қўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, ионларга нисбатан селективлиги юқори бўлган ион алмаштирувчи сорбентлар яратиш, уларга металл ионлари сорбцияси кинетикасини, сорбция жараёнида сорбент фазасида кетадиган физик-кимёвий жараёнларни, металл комплексларини ҳосил бўлиш механизмларини аниқлаш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилган.

Мамлакатимизда кимё саноати соҳасини ривожлантириш мақсадида замонавий талабларга жавоб бера оладиган янги турдаги сорбентлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, айниқса, янгича ёндашувларга асосланган, металл ионларига юқори селектив сорбентлар олишнинг илмий асосларини яратишга эришилди ва ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳаллий сорбентлар билан таъминлаш соҳасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулот ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш»га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, маҳаллий хом ашёлар асосида сорбцион материалларни ишлаб чиқариш учун иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик тоза технологияларни яратиш, янги юқори самарали сорбентлар синтез қилиш ва улардан металл ионларини концентрлаш ҳамда ажратиб олиш учун фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш» тўғрисидаги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот Республикада фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди: VII.«Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар».

Муаммони ўрганилганлик даражаси.Суспензион поливинилхлорид (ПВХ) майда доначалар шаклида дунёда энг кўп ишлаб чиқариладиган ва полимер материалларнинг турли соҳаларида кенг ишлатиладиган полимер материаллардан биридир ва шунинг учун илмий адабиётларда унга бағишланган кўплаб ишлар мавжуд.

ПВХ ни ўзгартириш, хоссаларини яхшилаш ва ишлатилиш соҳаларини кенгайтириш бўйича илмий тадқиқот ўтказган олимларни эслаб ўтиш жоиз: Мулай, Зилберман Е. Н., Зверев, М. П., Вольв Л. А., Солдатов В. С., Симанова С. А., Wang L.S., Carraher C.E., Б. Е. Геллер Б.Э., Inamuddin Mohammad Luqman ва бошқа олимлар. Олимлар Ахмедов К.С., Ризаев Н.У., Аскарров М.А., Жалилов А.Т., Мусаев У.Н., Бабаев Т.М., Курбанов Ш.А., Мухамедиев М.Г., Гафурова Д.А. ва бошқалар полимераналогик ўзгаришлар ёрдамида полиакрилонитрилнинг нитрил гуруҳларини ўзгартириш, полипропиленга турли функционал мономерларни пайванд полимерлаш йўли билан ион-алмашинувчи полимерлар синтез қилиш муаммоларини ҳал қилишда ўзларининг илмий изланишлари билан катта ҳисса қўшишди, бу сорбентлар республикамизнинг халқ хўжалигини турли соҳаларида, хусусан тиббиётда, гидрометаллургияда сувни тайёрлашда, нефтекимё саноатида, экологик муаммоларни ҳал этишда кенг қўлланилмоқда.

Бирламчи ва иккиламчи амингуруҳлар тутган ПВХни аммиак ва гексаметиленедиамин билан кимёвий модификациялаш орқали янги турдаги ион алмашинув материални олиш, шунингдек, полимер таркибига янги элементларни киритиш, уларнинг физик ва кимёвий хусусиятларини тадқиқ қилиш янги, импорт ўрнини босувчи ва ноёб хусусиятларга эга рақобатбардош функционал полимерларни олиш учун шароит яратади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170925290+ПЗ-20170965+ПЗ-20170927395 рақамли: «Маҳаллий хом ашё асосида ионитлар ишлаб чиқариш ва улардан рангли ва нодир металлларни ишлаб чиқариш чиқиндиларидан сорбциялаш учун фойдаланиш» мавзусидаги амалий грант доирасида бажарилган (2018-2020й.й.).

Тадқиқотнинг мақсади поливинилхлорид асосидаги янги анионитлар синтези жараёнининг физик-кимёвий хоссалари ва ишлатилиш соҳаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

поливинилхлоридни аммиак ва гексаметиленедиамин билан модификациялаш асосида анион-алмашинувчи материаллар олишнинг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш,;

олинган анионалмашинувчи материалларининг физик-кимёвий хоссаларини ва уларнинг морфологияси билан тузилишини аниқлаш;

функционал гуруҳларнинг асослилигини аниқлаш мақсадида олинган анионитлар учун ион мувозанатини текшириш;

олинган анионалмашинувчи материалларига хром ва молибден ионларининг сорбция жараёни кинетикаси ва термодинамикасини ўрганиш;

олинган анионитнинг кимёвий барқарорлигини текшириш ва динамик шароитларда қайта ишлатиш имкониятларини ўрганиш;

ишлаб чиқилган ион алмашинувчи материалларнинг гальваник ишлаб чиқариш чиқинди сувларини заҳарли металл ионларидан тозалаш ва технологик эритмалардан қимматли компонентларни ажратиб олиш учун сорбентлар сифатида фойдаланиш имкониятини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектлари поливинилхлорид, поливинилхлорид асосидаги ионитлар, сорбент, бихромат ва молибдат ионлари, кислоталар ва ишқор ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида полимерларнинг кимёвий ўзгаришлари, модификацияси, сорбентлар, моддаларнинг кимёвий барқарорлиги, сорбция, десорбция жараёнларнинг кинетикаси ва термодинамикаси, анионитларнинг физик-кимёвий хоссалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда ИҚ-Фурье–спектроскопия, рентгенография, потенциометрия, сканерловчи электрон-микроскопия, атом адсорбцияси каби замонавий назарий ва экспериментал усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор поливинилхлоридни гетероген шароитларда аммиак ва гексаметиленедиамин билан кимёвий модификациялаб донатор сорбентлар олишнинг ўзига хос жиҳатлари аниқланган;

олинган анионалмашинувчи сорбентларнинг тузилиши ва физик-кимёвий хоссалари орасидаги боғлиқликлар аниқланган;

ишлаб чиқилган сорбентда сувли эритмалардан турли металл ионларини сорбциялаш механизми, компонентларнинг ўзаро ҳам ион-ион, ҳам комплекс таъсири эга эканлиги исботланган;

синтез қилинган сорбентларнинг кимёвий барқарорлиги, шу жумладан кучли оксидловчи бўлган хром (VI) ионларига нисбатан чидамлилиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий полимерлар асосида таркибида анион алмаштирувчи гуруҳлар тутган донатор анионитлар синтез қилинган;

олинган анионитлар хром (VI) ионларини сорбциялаш қобилиятига эга бўлиб, ушбу хосса бўйича ҳорижий аналоглардан қолишмаслиги аниқланган;

анионит гидрометаллургияда қўллаш имконияти Олмалиқ ТКМК АЖ технологик эритмаларидан молибденни ажратиб олиши билан исботланган.

Олинган натижаларнинг ишончилиги тажриба натижаларини ИҚ-спектроскопияси, рентгенография, потенциометрия, сканерловчи электрон микроскопия, атом адсорбцияси ва бошқалар каби замонавий тадқиқот

усуллари ёрдамида олинганлиги билан тасдиқланади. Хулосалар жараёнларнинг кинетикаси ва термодинамикасининг, молекуляр адсорбция ва ионли мувозанатнинг замонавий назарияларида қўлланиладиган тенгламалар ёрдамида қайта ишланган натижалар асосида амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти поливинилхлорид асосида янги донатор анионалмашинувчи материаллар олишнинг кинетикасини ва олинган полимерларни физик кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш орқали жараён боришини бошқариш ва керакли хоссага эга бўлган ионитларни олиш мумкинлигини кўрсатишдан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, олинган анионалмашинувчи донатор материалларни саноат корхоналари оқава сувлари таркибидан хром (VI) ионларидан тозалаш, шунингдек, технологик эритмаларидан молибден ионларини ажратиб олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Поливинилхлорид асосида олинган анионитларнинг физик-кимёвий хоссалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ионалмашинувчи донатор материаллар олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан ихтирога патент олинган (№IAP20100255; 2012 й.). Натижада, янги полимер сорбент синтез қилиш имконини берган;

аммиак билан модификацияланган поливинилхлорид сорбентлари “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖда сульфат кислота ишлаб чиқариш цехлари оқава сувлар таркибидаги молибденни ажратиб олишга жорий қилинган (“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖнинг 2020 йил 12 июндаги 63-221-сон маълумотномаси). Натижада, молибден ионларини оқава сувлардан ажратиб олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан 4 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 2 та мақола республика, 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотни Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш истикболли


йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга тадбиқ қилиниши, нашр этилган илмий ишлар тўғрисида маълумот ва диссертация тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ионалмашинувчи материаллар синтези, уларнинг хоссалари ва қўлланилиш соҳалари (адабиётлар шарҳи)**» номли биринчи бобида мазкур мавзуга оид хорижий ва маҳаллий нашрларда эълон қилинган илмий ишлар натижалари баён қилинган. Маълумотлар бирлаштирилиб, илмий хулоса қилинган, адабиётларда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш асосида диссертация ишини мақсади, вазифалари, долзарблиги ва аҳамияти белгилаб берилган.

Диссертациянинг «**Поливинилхлоридни кимёвий ўзгартириш орқали анионалмашинувчи материаллар олишнинг физик-кимёвий хусусиятлари**» номли иккинчи боби ПВХни аммиак ва гексаметилендиамин ёрдамида модификациялашнинг кинетик қонуниятларини ўрганишга бағишланган.

Анионалмашинувчи материаллар олишнинг оптимал шароитларини аниқлаш мақсадида ПВХни аммиак ва гексаметилендиамин билан кимёвий модификациялаш жараёнининг кинетик қонуниятлари ўрганилди. Бунинг учун олинган анионитларнинг САСни реакциянинг давомийлигига, хароратга, модификацияловчи реагентларнинг концентрациясига, эритувчиларнинг табиатига ва ванна модулига боғлиқлиги ўрганилди.

Жараённинг давомийлигини ПВХни аммиак билан модификациялашга таъсири 413 дан 454 К харорат оралиғида 4-12 соат давомида ўрганилди. Бу тадқиқотларнинг натижалари 1-расмда келтирилган.




1-расм. Олинган анионитларни 433К хароратда САСнинг (0,1 н. НСl бўйича) реакция давомийлигига боғлиқлиги.

1-расмдан кўриниб турибдики, реакциянинг давомийлиги ортиши билан анионитларнинг САС ортади. Масалан, давомийлик 4 дан 12 соатгача ошса, ионитларнинг САС қиймати 2,88 дан 4,49 мг-экв/г гача ортади, шу билан бирга юқори хароратларда (443-453К) жараён тўхтайди: 6 соатдан кейин маҳсулотнинг ионалмашинув сифими ўзгармайди.

2-расмдан кўриниб турибдики, аммиак концентрацияси ортиши билан олинган анионитларнинг САС ортиб боради. 25%дан катта концентрацияларда реакция ўтказилган вақтда модификациялаш

реакциясининг чекланиши кузатилади ва бунда анионитларнинг САС қиймати деярли ўзгармай қолади.



2-расм.П-МДА-1 статик алмашинув сиғимини аммиакнинг концентрациясига боғлиқлиги ($\tau = 6$ соат, $T=433$ К)

Шундай қилиб, аммиакнинг ПВХни модификациялаш реакциясини ўтказиш учун энг мос келадиган концентрацияси аммиакнинг 25%ли эритмасидир. 25%дан катта концентрацияларда САС қийматининг чекланишига сабаб чокланиш даражасини камайиши ва полимерни қисман эришидир.

ПВХни аммиак билан турли хароратда кимёвий модификациялаш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

ПВХни аммиак билан кимёвий модификациялашга хароратнинг боғлиқлиги

Харорат, К	Реакция давомийлиги, соат	Аммиак концентрацияси, %	НСІ бўйича САС, мг-экв/г
413	6	25	1,7
428	6	25	3,1
433	6	25	4,4
438	6	25	4,4
453	6	25	4,3


Шундай қилиб, ПВХни аммиак билан кимёвий модификациялашнинг оптимал шароитлари: харорат - 433К, реакцияни давомийлиги - 6 соат, модификациялаш реакцияси аммиакнинг 25%ли эритмасида олиб борилди, ванна модули -1:15.

П-МДА-6 анионит синтези дастлабки ПВХга гексаметилендиаминнинг 20, 30, 40, 50, 60, 70, 80% эритмасини 8 соат давомида 433 К хароратда таъсир эттириб олинди. ПВХни аммиак билан модификациялашда бу жараён учун энг мос келадиган эритувчи глицерин эканлиги аниқланди ва шу асосда ПВХни модификациялаш реакцияси гексаметилендиаминнинг глицериндаги эритмасида олиб борилди. Модификациялаш махсулотида ионоген гуруҳларининг борлигини текшириш учун НСІ бўйича статик алмашинув сиғими (САС) аниқланди.

ГМДА концентрациясини модификацияланган ПВХнинг САС қийматига боғлиқлигини ўрганиш натижалари 3-расмда келтирилган.

3-расмдан кўриниб турибдики, модификацияловчи агентнинг концентрациясини ортиши ПВХни модификациясига ижобий таъсир

кўрсатади, олинган анионитларнинг САС қийматини ортишидан кўриш мумкин, у полимернинг модификацияланиш даражасини кўрсатади. Шундай қилиб, ПВХни гексаметилендиамини билан модификациялаш реакциясини олиб бориш учун энг мақбул концентрация унинг 70%ли концентрацияли эритмасидир.



3-расм. Статик алмашинув сиғимини ГМДА концентрациясиғи боғлиқлиғи

Тадқиқотнинг кейинги босқичи ПВХни гексаметилендиамин билан модификациялаш реакциясининг энг мақбул ҳароратини аниқлаш эди.

Реакцияни бошланғич ПВХга ГМДАни глицериндаги 70%ли эритмаси билан таъсир кўрсатиш билан 8 соат давомида $T=408, 418, 428, 438, 448\text{K}$ ҳароратда олиб борилди. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

ПВХни гексаметилендиамин билан кимёвий модификациясига ҳароратнинг таъсири ($C_{\text{ГМДА}}=70\%$; $\tau=8$ соат.)

Ҳарорат, К	408	418	428	438	448
САС, мг*экв/г	3,1	4,3	5,7	6,9	6,5

2-жадвалда келтирилган натижаларга кўра, реакциянинг ҳарорати ортиши билан синтез қилинган ионитларнинг статик алмашинув сиғими ортиб боради, демакки полимернинг модификацияланиш даражаси ҳам ортади. Полимернинг модификациясини 438 К ҳароратдан юқори ҳароратларда камайишига сабаб ПВХни 433 К дан юқори ҳароратларда деструкцияга учраши билан боғлиқ. Бу тахминни олинган махсулотларнинг САС қийматларини камайиши тасдиқлайди (2-жадвал).

Реакцияни давомийлигини ПВХнинг гексаметилендиамин билан модификациялаш реакциясининг боришига таъсири натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал


ПВХни аммиак билан киёвий модификацияланишига реакция давомийлигининг таъсири ПВХ аммиаком ($C=25\%$; $T=165^\circ\text{C}$.)

Вақт, τ	6	8	10	12
САС, мг*экв/г	5,5	6,9	7,0	7,0

3-жадвалдан кўриниб турибдики, ПВХни гексаметилендиамин билан модификациялаш реакциясининг давомийлиги ортиши билан олинган анионитларнинг САС қийматлари бироз ортади ва 8 соатдан кейин унинг ортиши П-МДА-6 анионитнинг САС қийматига катта таъсир кўрсатмайди. Шундай қилиб, мазкур тизимда модификациялаш реакцияларини 8 соат давомида олиб бориш зарурий ва етарли ҳисобланади. Шундай қилиб, олиб

борилган тадқиқотларга кўра, ПВХни гексаметилендиамин билан модификациялаб анионалмашинувчи материал олишнинг энг оптимал шароити: реакцияни 8 соат давомида 165⁰С хароратда олиб бориш, ГМДА нинг глицериндаги концентрацияси 70%, ванна модули 1:15. Бунда НСІ бўйича ванна модули 6,8-7,2 мг-экв/г.П-МДА-6 ва П-МДА-1 анионитнинг кимёвий тузилишини тавсифлаш учун ИҚ-спектроскопик тадқиқотлар олиб борилди.

Олинган ионалмашинувчи материалдаги ионоген гуруҳларни тавсифлаш учун статик шароитларда алоҳида намуналар усули билан потенциометрик титрлаш ўтказилди, эритманинг кислоталилигини ўзгартириш учун сорбентнинг намунасига 0,1 н НСІ ва 0,1 н NaCl эритмаларининг турли миқдорлари қўшиб борилди.





4-расм. Аммиак (а) ва ГМДА (б) билан модификацияланган поливинилхлоридни рН ни $\lg \alpha / (1 - \alpha)$ га боғлиқлиги

0.1н НСІ эритмаси билан аммиак ва гексаметилендиамин билан модификацияланган поливинилхлоридни потенциометрик титрлашнинг интеграл ва дифференциал эгри чизиқлари аникланди. Титрлаш эгрларида полимерда мавжуд бўлган асосли гуруҳларнинг борлигини кўрсатувчи сакраш кузатилади. Бу гуруҳларнинг асослилиқ кучини баҳолаш учун Гендерсон-Гассельбах тенгламаси координаталарида титрлаш эгрлари қайта ишланди. Бирламчи амин гуруҳлар учун pK_{α} қиймати аммиак билан модификацияланган ПВХ маҳсулотлари учун 5,5 га, полимернинг бирламчи амин гуруҳларини поливинилхлориднинг бошқа макромолекулалари билан чоклаш ёрдамида олинган маҳсулотлари учун 6,7 ни ташкил қилади.


4-расмдан кўриниб турибдики, П-МДА-6 ионитда $pK_{\alpha} = 6,0; 6,8; 7,6$ қийматли учта функционал гуруҳлар мавжуд, бу ионитда аминогуруҳларга тегишли бўлган турли асосликка эга гуруҳлар борилигини тасдиқлайди.

ИҚ-спектроскопик тадқиқотлар ва поливинилхлоридни аммиак ва гексаметилендиамин билан модификациялаш маҳсулотининг функционал гуруҳларини потенциометрик титрлаш йўли билан шартли равишда П-МДА-1 ва П-МДА-6 номланган полимерларнинг кимёвий тузилиши ўрнатилди:





Мазкур эхтимолий структура кислота ва ишқорларнинг турли эритмаларини таъсири остида анионитнинг механик мустаҳкамлигини сақлаб қолганлиги билан ҳам тасдиқланади, улар ишнинг давомида келтирилади..



Гетероген шароитларда аммиак ва гексаметиленедиамин эритмалари билан суспензион поливинилхлоридни модификациялаш кинетикасига турли омиллар (реакция вақти, ҳарорат, ванна модули ва компонент концентрацияси) таъсирини ўрганиш орқали, бу омилларнинг барчаси полимердаги хлорид гуруҳларини амин гуруҳларга алмашиниш даражасига сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланди.

Олинган ионалмашинувчи материалларнинг статик алмашинув сиғими 5мг-экв/г дан (аммиак билан модификациялаш маҳсулотлари учун) 7мг-экв/г гачани (гексаметилендиамин билан модификациялаш маҳсулотлари учун) ташкил қилади.


Шундай қилиб, ион-алмашинув материалларни характерловчи бу энг муҳим физик-кимёвий параметр қийматларига кўра маълум ионитларнинг шу параметри қийматларидан кўп фарқ қилмайди.

Диссертациянинг «ПВХ нинг аммиак (П-МДА-1) ва гексаметиленедиамин (П-МДА-6) билан ўзаро таъсири натижасида олинган анионалмашинувчи материалларнинг физик-кимёвий хоссалари» номли учинчи бобида ПВХ нинг аммиак ва гексаметиленедиамин билан кимёвий модификацияланиши натижасида олинган полимерларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Маълумки, ионитларнинг морфологияси ва тузилиши уларнинг сорбцион ва технологик хусусиятларига кучли таъсир этади. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида дастлабки полимернинг ҳам, унинг аммиак билан модификацияланган маҳсулотининг ҳам зарралари зич ва нур ўтказмайдиган тузилишга эга эканлиги аниқланди.

Бизнинг вазиятда дастлабки ПВХ заррачаларини дисперслиги топографик юзанинг ғадир-будирлигига таъсир кўрсатмади. 5-расмда дастлабки ПВХ кукуни заррачалари (А) ва сорбентларнинг тешиклари хар

хил бўлган заррачаларини (Б,С,Д) микрофотографиялари келтирилган. Расмлардан кўриниб турибдики, заррачаларнинг фрагментлари сферик шаклга ботиқларга эга.



А Б С Д
5-расм. Дастлабки ПВХ кукуни (А), ОН-шаклдаги П-МДА-1 (Б), НСl-шаклдаги П-МДА-1 (С), П-МДА-1-Сr (Д) заррачаларининг микрофотографиялари келтирилган.

Электронсканерловчи микроскопда ўтказилган тадқиқотлар дастлабки ва модифицирланган намуналарни таҳлил қилиш имконини берди. Олинган натижалар 5-расмда келтирилган.

4-жадвал.

Дастлабки ва модифицирланган намуналарни элемент таркиби

№	Элементлар	А, в %	σ	Б, в %	Σ	С, в %	Σ	Д, в %	σ
1	Cl	32,8	1,1	16,1	0,4	24,6	0,7	15,5	0,5
2	N	---	---	5,2	1,6	5,1	1,9	5,3	2,1
3	Cr	---	---	---	---	---	---	13,4	0,2

Жадвалдаги σ белгиси, таҳлилнинг аниқлик даражасини билдиради, у бирдан катта ёки кичкина бўлиши мумкин. Агар σ катта бўлса, аниқлик даражаси кичик, агар кичик бўлса, аниқлик даражаси юқори бўлади. Шундай қилиб, жадвалдан кўриниб турибдики, Б, С, Д намуналарда хлор атомларининг миқдори, Д намунада хром атомларининг миқдори аниқроқ топилган. Электрон микроскопда олинган натижаларга кўра, хром атомларининг миқдори 13,4% ни ташкил қилади, сорбция жараёнини ўрганишда топилган тажриба маълумотларига 14,2% жуда яқин.

5-жадвал

П-МДА-1 сорбцион хоссаларига кимёвий реагентларнинг таъсири

Муҳит	Синов шароитлари		CAC, мг-экв/г		$\frac{CAC_{\text{охир}}}{CAC_{\text{бошл}}}$, %
	⁰ C	соат	дастл.	охир.	
П-МДА-1 (ПВХ+аммиак)					
1%HNO ₃	25	48	5,31	5,40	97,5
5%HNO ₃	25	48	5,35	5,40	98,6
1%HCIO ₄	25	48	3,37	5,40	99,1
5%HCIO ₄	25	48	3,37	5,40	99,1
5%NaOH	100	10	3,38	5,40	99,6
П-МДА-6 (ПВХ+ГМДА)					
1%HNO ₃	25	48	6,84	6,96	98,6
5%HNO ₃	25	48	6,83	6,96	97,7
1%HCIO ₄	25	48	6,84	6,96	98,6
5%HCIO ₄	25	48	6,84	6,96	98,6
5%NaOH	100	10	6,93	6,96	99,5

Ўрганиладиган сорбентларни турли кимёвий реагентлар таъсирига барқарорлигини тавсифлаш учун, шу жумладан кучли оксидловчиларнинг таъсирига, умумқабул қилинган синов усулларида фойдаланилди. Сорбентларнинг намуналари турли кислоталарнинг ва асосларнинг эритмаларида 10 дан 48 соатгача бўлган вақтда тутиб турилди. Уларни кимёвий агентларнинг қолдиқларидан тозалашдан кейин САСнинг қиймати аниқланди. 5-жадвалда сорбентларни турли муҳитларга барқарорлигини тавсифловчи маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотлар натижасида барча синалган сорбентлар регенирловчи эритмаларга етарлича барқарор эканлиги аниқланди. Олинган тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган ионитларни саноатнинг турли тармоқларида: гидрометаллургия, саноат сувларини тозалаш, оқава сувларни тозалаш ва бошқаларда фойдаланиш учун тавсия этишимиз мумкин.

Диссертациянинг «**Олинган ион алмашинувчи материалларнинг сорбцион хоссалари ва уларнинг қўлланилиш соҳалари**» номли тўртинчи бобида олти валентли хром ва олти валентли молибден ионларини сунъий ва технологик эритмалардан статик ва динамик шароитларда сорбциялаш бўйича олинган натижалар келтирилган. Синтез қилинган анионитларни қўлланилиш соҳалари кўрсатиб берилди.

Бу ионлар кучли оксидловчилар бўлганлиги учун организмга тушганидан кейин ҳаёт фаолияти учун муҳим бўлган аъзоларга салбий таъсир кўрсатади. Сорбцион усуллар ёрдамида сувли эритмалардан Cr(VI) йўқотиш қийин, айниқса кислотали эритмалардан, чунки у сорбентнинг функционал гуруҳларини оксидлайди ва уни парчалайди. Адабиётларда оқава сувларни олти валентли хромнинг ионларидан турли сорбентлар ва углеродли адсорбентлар ёрдамида тозалашга катта аҳамият берилган.


Оқава сувларни Cr(VI) ионларидан тозалашда ионалмашинув усули энг замонавий усул ҳисобланади. Бу усулда эритманинг pH қийматини ушлаб туриш шарт эмас, хром фойдали кимёвий модда сифатида қайтади ва тозаланган сув ҳам қайта ишлаб чиқаришга қайтади, оқава сув эса тўлалигича Cr(VI) ионларидан тозаланади, унинг балиқчилик хўжалиги объектлари учун оқава сувларидан очиқ сувларга тушадиган қабул қилинган жоиз концентрацияси 0,02 мг/л га тенг; маданий-маиший объектлари ва хўжалик-ичимлик мақсадлари объектлари учун 0,05 мг/л ни таъмин қилади.

Шу муносабат билан сорбцион хоссаларни ўрганиш, жумладан, Cr(VI) ионларини эритмалардан 100% маҳаллий хом ашё асосида олинган П-МДА-1 сорбент ёрдамида сорбцияланиш жараёнларининг кинетикаси ва термодинамикасини ўрганиш долазрб муаммолардан бири ҳисобланади.

Cr₂O₇²⁻ ионларини П-МДА-1 сорбент ёрдамида сорбцияси вақтга, ҳароратга, бошланғич эритмадаги Cr₂O₇²⁻ ионларнинг концентрациясига боғлаб ўрганилди. Сорбент ва эритма ўртасидаги сорбцион мувозанат барча ҳолатларда 50 минут давомида ўрнатилади ва бихромат ионларининг асосий массаси 100 минут давомида ютилади. Жараённинг ҳароратини ортиши билан солиштирма сорбциянинг ортиши кузатилади, бу сорбцияланаётган

ионларнинг ҳаракатчанлигини ортиши ва ҳарорат ортиши билан сорбентнинг кириш қийин бўлган қисмларини очилиши билан тушунтирилади.

Бихромат ионларини П-МДА-1 (6-расм.) сорбентга сорбцияланиш изотермаларидан кўриниб турибдики, ҳарорат ортиши билан солиштира сорбциянинг ортиши, хемосорбция реакциялари қоидаларига бўйсуна бошлайди. Бу металл ионларини бошланғич босқичда кўп миқдорда ютилиши ва сорбция вақти ортиши билан хром сорбцияланиши камайиши билан тасдиқланади.



6-расм. Хром ионларини сорбентга ютилиши учун $1/\Gamma$ ни $1/C$ га, 298,308,318К ҳароратларда боғлиқлиги.

6-расмда хром ионларини сорбентга ютилиш жараёни учун $1/\Gamma$ ни $1/C$ га боғлиқлиги келтирилган. Бу боғлиқликнинг тўғри чизиқли характери ўрганилаётган жараёни мономолекуляр адсорбция қонуниятларига бўйсунишини кўрсатади. Хром ионининг алмашинув жараёни ўз-ўзидан эркин энергиянинг камайиши, энтальпия ва энтропиянинг ортиши билан боради (6-жадвал).

Системанинг энтальпиясини ортиши хром ионлари билан сорбент ўртасида боғ мавжудлигини кўрсатади. 6-жадвалдан кўриниб турибдики, адсорбция мувозанати константасининг катталиги бирдан катта, бу П-МДА-1 сорбентга $\text{Cr}_2\text{O}_7^{2-}$ ионларини сорбцияланиш жараёнини селективлигини кўрсатади.

6-жадвал

Хром ионларини П-МДА-1 сорбентга ютилиши вақтида термодинамик функцияларнинг ўзгариши

Т, К	$\Gamma_{\infty} \cdot 10^{-4},$ моль/г	К	$\Delta G, \text{Ж/моль}$	$\Delta H, \text{Ж/моль}$	$\Delta S,$ Ж/моль·К
298	13,11	238	-24956,6	7059	107,4
308	13,52	224	-25640		106,4
318	13,72	200	-26170,7		104,5

Кейинги жадвалда сорбентнинг ДАС қийматини эритма концентрациясига боғлиқлигини ўрганиш натижалари ва эритмани П-МДА-1 сорбент солинган колонкадан ўтиш тезлиги келтирилган.

Эритманинг концентрацияси 10 дан 100 мг/л гача ортиши ва эритманинг ўтиш тезлиги 50 дан 100 мл гача ортиши найжасида сорбентнинг сорбцион сиғими деярли ўзгаришсиз қолади, етарли даражада юқори бўлади ва сувни тозалаш шароитига жавоб бера олади.

Дастлабки эритманинг концентрациясини ва ўтказиш тезлигини П-МДА-1 сорбентнинг ДАСга таъсири (САС_{HCl}-3,0 мг-экв/г).

[K ₂ Cr ₂ O ₇], г/л	K ₂ Cr ₂ O ₇ эритмасини ўтказиш тезлиги,	K ₂ Cr ₂ O ₇ бўйича а ДАС, мг/г	Cr ₂ O ₇ ²⁻ бўйича ДАС, мг/г	рН	
				аввал	кейин
0,1	50	470	345	4,2	5,8
0,1	100	462	339	4,5	5,8
0,05	50	476	350	4,9	5,8
0,05	100	463	340	4,9	5,8
0,01	50	475	349	4,2	5,8
0,01	100	461	34	4,2	5,8

7-жадвалда калий бихромат эритмасининг концентрациясини таъсири ва эритмани сорбентдан ўтказиш тезлигини ДАСга таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган. Поливинилхлоридни аммиак билан кимёвий модификациялаш орқали олинган сорбент П-МДА-1 ўзининг сорбцион хоссаларига кўра полиакрилонитрилдан ва стиролни дивинилбензол билан сополимеридан олинган ионалмашинувчи сорбентлардан қолишмайди.

Оқава сувларни ва технологик сувларни бихромат ионларидан тозалаш учун П-МДА-1 ва П-МДА-6 сорбентлар ёрдамида сунъий эритмалардан хром (VI) ионларини динамик сорбция-десорбциясининг карралилигига қараб техник режим ишлаб чиқилган. Бунинг учун ПВХни аммиак билан модификациялаб олинган ва САС=5,35 мг-экв/г бўлган сорбент колонкага солинди ва HCl 0,1 н. эритмаси билан фаоллаштирилди ва концентрацияси 1 г/л бўлган K₂Cr₂O₇ эритмаси 1-4 л/с тезлик билан ўтказилди. Бунда сорбентнинг хром ионлари бўйича динамик алмашиниш сиғими (ДАС) 350 мг/г га тенг (8-жадвал).

Сорбция-десорбция карралилигини П-МДА-1 сорбентнинг Cr₂O₇²⁻ иони бўйича ДАСга таъсири


ДАС, мг/г	ДАС _{бошл} , мг/г	КОН 2%ли сувли эритмаси билан регенерациялашдан кейин										
по Cr ₂ O ₇ ²⁻	364	352	354	357	351	352	354	353	356	355	357	

Молибденнинг сорбцияси статик шароитларда ўрганилди. Молибден ионларини сорбентларга ютилиш изотермаларидан кўришиб турибдики (7-расм), концентрация ортиши билан бу жараён хемосорбция реакциялари қоидаларига бўйсуну бошлайди.

Буни бошланғич босқичда металл ионларининг кўп миқдорда ютилиши ва сорбция давомийлигининг ортиши билан молибденнинг сорбциясини камайиши ҳам тасдиқлайди.

8-расмда молибден ионларини турли хароратларда П-МДА-1 сорбентга сорбцияланиш жараёни учун 1/Г ни 1/С боғлиқлик графиги келтирилган. Бу боғлиқликнинг тўғри чизиqli характерга эга эканлиги, ўрганилаётган жараёни мономолекуляр адсорбция қонуниятларига бўйсунганини кўрсатади.

Молибден ионларини сорбентларга ютилишида термодинамик функцияларнинг ўзгаришларини аниқлаш бўйича олинган маълумотлар 9-жадвалда келтирилган.



8-расм. Молибден ионларини сорбентга 298, 308, 318К хароратда сорбцияси учун 1/Г ни 1/С га боғлиқлиги.

9-жадвал

Молибден ионларини сорбентларга сорбцияланиш вақтида термодинамик функцияларни ўзгариши

Т, К	$\Gamma_{\infty} \cdot 10^{-4}, \text{моль/г}$	К	$\Delta G, \text{Ж/моль}$	$\Delta H, \text{Ж/моль}$	$\Delta S, \text{Ж/моль} \cdot \text{К}$
298	16,66	4761,9	-20970	15000	120,7
308	17,03	4000,0	-21228		117,6
318	18,125	3333,3	-21433		114,5

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, молибден ионларини алмашиниш жараёни ўз-ўзидан системанинг эркин энергиясини камайиши, энтальпияни ва энтропияни ортиши билан кечади. Бу жараёнда системанинг энтропиясини ортишини молибденнинг битта иони боғланганда иккита ионнинг чиқарилиши билан тушунтириш мумкин.

Тадқиқот натижаларини солиштириш, модификацияловчи реагентнинг табиатини сорбентларнинг ўрганилаётган металл ионларига нисбатан сорбцион хусусиятларига таъсири ҳақида хулоса қилиш имконини беради.

П-МДА-1 сорбентларини молибден бўйича статик алмашинув сифимини аниқлаш учун Олмалик ТМК (ЦПРМ МПЗ АО АГМК)технологик эритмаларида тажрибалар олиб борилди.

10-жадвал

Анионитни молибденга нисбатан Олмалик ТМК АЖ (ЦПРМ МПЗ АО АГМК) «маточный» эритмасидан сорбция қилиш қобилияти
($m_{\text{сорб}}=1,00\text{г}$, $T=300\text{К}$, $t=48 \text{ соат}$, $V=100\text{мл}$, $\text{H}_2\text{SO}_4 = 322 \text{ г/л}$, $\text{pH}=1,0$; арашмалар миқдори, $\text{Cu} - 0,232$; $\text{Re} - 0,001$; $\text{Fe} - 0,191$; $\text{Zn} - 0,135 \text{ г/л}$)

№	Анионит тури	$C_{\text{равн}} (\text{Мо}) \text{ г/л}$	Сорбентдаги Мо миқдори, мг/г
1	Бошл.тех.эритма	6,9	-
2	Sim 202/4408	6,8	10
3	МДА-1	6,3	60
4	МДА-1+2	6,1	80
5	МДА-2	6,3	60
6	МДА-6	6,1	80
7	**МДА-7	5,6	65
8	МДА-9	6,1	80

10-жадвалдан кўриниб турибдики, ишлаб чиқилган сорбентлар етарлича молибденга нисбатан юқори сорбцион қобилиятни намоён қилади, у баъзи ҳолатларда ҳорижий сорбентлардан устун туради. Хусусан, Purolite фирмасининг сорбенти молибденни ЦПРМ АГМК “маточный” эритмасида кузатиладиган сульфат кислотанинг катта концентрацияларида юта олмайди.

Маълумки, технологик эритмалардан қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш сорбцион жараёнлари динамик шароитларда олиб борилади. Шунинг учун технологик эритмалардан молибден сорбцияси бўйича олиб борилган кейинги тадқиқотлар динамик шароитларда олиб борилди.

Олинган тадқиқот натижалари 11-жадвалда келтирилган. 11-жадвалдан кўриниб турибдики, сорбент МДА-1 молибденга нисбатан каттагина сорбцион қобилиятга эга, сорбциянинг бошланғич босқичларида металл ионларини ажратиб олиш даражаси 90%дан ортади, бу даражада ДАС 60,8 мг/мл ни, умумий ДАС эса 72,6 мг/мл ташкил қилади.

11-жадвал

Молибденни П-МДА-1 сорбентга (сульфат кислотали шаклда) «маточный» эритмадан динамик сорбциясини ўрганиш

($[Re]=1,0\text{мг/л}$; $[Mo]=6900\text{мг/л}$; $[H_2SO_4]=322\text{г/л}$; $[Cu]=232\text{мг/л}$; $[Fe]=191\text{мг/л}$; $[Zn]=29\text{мг/л}$). Ўтказиш тезлиги 60-65мл/соат; $T=20-22^\circ\text{C}$, $m_{\text{сорб}}=30\text{ г}$, $V_{\text{сорб}}=85-90\text{см}^3$, колонка $d=2,5\text{см}$, $h=20\text{см}$.

№	Ўрганилаётган эритманинг ҳажми, мл	Эритмадаги Мо конц-яси, мг/л	Мо ажратиб олиш, %	Сорбцияланган Мо миқдори, мг
1	100	-	100	690
2	110	2,45	99,7	758,7
3	60	621	91	376,7
4	55	3500	50,72	187
5	40	4700	31,88	88
6	50	5340	22,61	78
Σ	415		76,07	2178,5

Технологик жараённинг муҳим босқичларидан бири қимматли компонентларни тўйинган сорбентдан десорбциялаб олишдан иборат. Шу муносабат билан молибденни тўйинган сорбентдан П-МДА-1 бир хил миқдордаги Мо (72,6 мг/г) ионлари аммиакнинг турли концентрацияларида (2,5: 6,5: 12,5%) десорбцияси бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

12-жадвал

«Маточный» эритмада тўйинган П-МДА-1 сорбентдан аммиакнинг 12,5%ли эритмаси ёрдамида молибденни десорбциялаш ($[Mo]=72,6\text{ мг/г}$).

Ўтказиш тезлиги 100 мл/час; $T=20-22^\circ\text{C}$, $m_{\text{сорб}}=30\text{ г}$.

№	Элюат ҳажми, мл	Мо элюатдаги конц.си, мг/л	Десорб Мо миқд., мг	Ажратиб олинган Мо, %
1	100	16300	1630	74,8
2	100	5358	535,8	24,60
3	100	1,31	0,19	0,05
4	100	0,83	0,12	0,03
5	100	0,58	0,06	0,02
Σ	500		20,84	99,56

Олинган натижалар асосида десорбцияни аммиакнинг 12,5%ли сувли эритмаларида ўтказиш жоиз, деган хулоса қилинди.

П-МДА-1 сорбентни сорбцион хоссаларини сунъий ва технологик эритмалардаги хром ва молибден ионларига нисбатан ўрганиш билан, унинг хром ва молибден ионлари бўйича сорбцион қобиляти импорт сорбентлардан қолишмайди.

Диссертациянинг «**Полимерларнинг кимёвий ўзгаришларини олиб бориш ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш услублари**» номли бешинчи бобида дастлабки ва ёрдамич реактивларнинг физик-кимёвий тавсифлари, анионалмашинувчи сорбентни синтез қилиш усуллари келтирилган. Ионалмашинувчи сорбентларни тадқиқ қилишнинг физик-кимёвий усуллари, олинган натижаларни ҳисоблаш ва қайта ишлаш усуллари таърифланган.

ХУЛОСА

1. Поливинилхлоридни аммиак ва гексаметилендиамин билан таъсирлашув жараёнига турли омилларнинг таъсирини, активланиш энергияси, компонентлар бўйича реакция тартиби ва бу реакциянинг тезлигини куйимолекуляр компонентнинг концентрациясига боғлиқлиги ўрганиш натижасида ушбу жараён гетероген жараёнларда кузатиладиган қонуниятларга бўйсунганини кўрсатилди.

2. Суспензион поливинилхлоридни аммиак ва гексаметилендиамин билан таъсирлашиш жараёнининг физик-кимёвий қонуниятларини ўрганиш, маҳаллий хом ашё асосида янги турдаги анионалмашиниш материалларини олишнинг оптимал шароитлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди.

3. ИҚ-спектроскопия, сканирловчи электрон микроскопия, потенциометрик титрлаш усуллари ёрдамида олинган ионитларнинг тузилиши ва агрессив кимёвий муҳитга нисбатан барқарорлиги ўрнатилди. Бу материалларнинг анионалмашинувчи хоссаларини таркибида бирламчи, иккиламчи ва учламчи аминогруҳларнинг борлиги, кимёвий барқарорлигини эса чокланган структураси белгилаб беради.

4. Хром (VI) ва молибден (VI) ионларини сорбциялаш кинетикаси ва термодинамикаси ўрганилади. Топилган кинетик ва термодинамик параметрлар синтез қилинган ионитни сорбцияланган ионларга нисбатан юқори мойилликка эга эканлигини ва хром (VI) ионлари каби оксидловчиларга нисбатан барқарорликка эга эканлигини кўрсатади. Олинган натижалар ионитни технологик эритмалардан бу ионларни ажратиб олиш учун қўллашда тавсия қилиш имконини берди.

5. Технологик эритмалардан хром (VI) ва молибден (VI) ионларига нисбатан П-МДА-1 сорбентининг сорбциялаш хоссаларини ўрганилиб саноатда фойдаланиш учун тавсия этилди.

6. П-МДА-1 анионити «Олмалиқ тоғ металлургия комбинати» АЖ га сульфат кислота ишлаб чиқарадиган цехнинг ювиш сувларидаги молибденни ажратиб олишга тавсия этилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.03/30.12.2019.K.01.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ЮСУПОВА НАРГИЗА МАХАММАСИДИҚ ҚИЗИ

**ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА НОВЫХ АНИОНИТОВ НА
ОСНОВЕ ПОЛИВИНИЛХЛОРИДА**

**02.00.04 - Физическая химия
02. 00. 06 - Высокомолекулярные соединения**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/K127.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.ik-kimyo.nuuz.uz Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ZiyoNet.uz)

Научный руководитель:

Гафурова Дилфуза Анваровна
доктор химических наук, доцент

Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты

Каттаев Нуритдин Тўраевич
доктор химических наук, доцент

Троров Хамза Турсунович
доктор химических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится « 16 » декабря 2020 г. в 12⁰⁰ часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета DSc.03/30.12.2019.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № 95). Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz.

Автореферат диссертации разослан « 4 » 12 2020 года.
(протокол рассылки № 11 от « 4 » 11 2020 года).



Х.Т. Шарипов
Председатель разового научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

З.А.Сманова
Ученый секретарь разового
научного совета по присуждению
учёных степеней, д.х.н., профессор

А.Ж.Холиков
Председатель разового научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире с развитием производств, а также их мощностей и увеличением численности населения потребность к ионообменным материалам соответственно вырастает. Получение экологически безопасных, недорогих, легко синтезируемых, простых в использовании сорбентов и их применение в различных технологических процессах промышленности, металлургии, химической промышленности, включая очистку сточных и поверхностных вод от ионов тяжелых металлов, отделение цветных, благородных и редких металлов из сложных растворов и технологических смесей являются важными, как теоретически, так и практически.

Во всем мире проводятся обширные исследования по получению материалов с высокими сорбционными свойствами и селективных, термически и химически стойких ионообменных материалов, которые помогают преодолевать промышленные и экологические проблемы. В частности, проделана большая работа по созданию ионообменных сорбентов с высокой селективностью к ионам, определению кинетики сорбции ионов металлов, физико-химических процессов в фазе сорбента, механизмов образования комплексов металлов.

В нашей стране с целью развития химической промышленности особое внимание уделяется производству новых типов сорбентов, отвечающих современным требованиям. На основе проведенных нормативных мероприятий в данном направлении достигнуты определенные результаты, особенно, по разработке научных основ получения сорбентов, высокоселективных к ионам металлов, и осуществлены широкомасштабные мероприятия в области обеспечения местного рынка импортзамещающими химическими сорбентами. В Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ намечены важные задачи, направленные на «освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособности отечественных товаров на внешних и внутренних рынках». В этой связи приобретает важное значение создание высокоэффективных и экологических чистых технологий для получения сорбционных материалов на основе местного сырья, синтез новых эффективных сорбентов и их применение для концентрирования и извлечения ионов металлов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и ПК-3983 от 25 октября 2018 г. «О мерах по ускорению развития химической промышленности в Республике Узбекистан» и 3 апреля 2019 г. № ПК-4265 Постановлении «О дальнейшем реформировании химической промышленности и повышении

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП №4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

инвестиционной привлекательности» и других нормативных актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в Республике: VII.«Химические технологии и нанотехнологии».

